

6 (1158)-сон 12 февраль 2014 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



АКА-УКА
ЧЕМПИОНЛАР

ЎЙИНДАН АВВАЛ ЎЙЛАШ КЕРАК



КОМПЬЮТЕР ЁНИДА...
КУЛДОН

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

14 февраль — Заҳириддин
Муҳаммад Бобур
таваллуд топган кун

РУҒБОИИЛАР

Наққош, менинг ҳолима тадбир эткил,
Бир ёғлиғ аро кашада тахир эткил.
Ул сафҳада мен хаё қилган янглиғ
Ул ёрға мушқилимни тақир эткил.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушқил,
Фарҳунда ҳадисингни эшитмак мушқил.
Ишқингни доғи бартараф

этмак мушқил,

Бошни олибон бир сари кетмак мушқил.

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабрим каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур, будур онинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

Қиш бўлдию, бўлди барча тому тош қор,
Жамъияти бор кишига бордир хуш қор.
Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
Ёраб, мени яхшилиғ сари бошқор.

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,
Ё баҳри иноятингда мустағрақ қил.
Ёраб, сенгадир юзум қаро, гар оқ қил,
Ҳар навъ сенинг ризонг эрур, андоқ қил.



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Болалар саломатлиги — юрт бойлиги

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ — ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ИМТИҲОН

Ўзининг гўзал ва дилбар қўшиқлари билан миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган Насиба Абдуллаеванинг саҳнага чиққанига 34 йилдан ошди. Ана шу ўтган йиллар севимли санъаткоримиз учун чин маънода синовлар даври бўлди, десак муболага қилмаймиз. Биз бугун у билан бироз ноанъанавий, яъни шинавандалар таклиф этган оила, она қалбидаги нурли туйгулар, фарзанд тарбияси ҳақида фикрлашдик.

— Насиба опа, инсоннинг оила ҳақидаги тушунчаси ҳам маълум даражада болалик даврларида шаклланади. Шу маънода сиз ўз ота-онангиз, уларнинг оиладаги ўрни, ўзаро муносабатлари ҳусусида сўзлаб берсангиз.

— Оилада эркак ва аёлнинг бир-бирига муносабати қанақа бўлиши керак, деган саволнинг тўғри жавобини — ҳаётий мезонини мен ўз ота-онам мисолида кўрганман. Бундай мезонни ўзларида шакллантира оладиган ва доимо сақлаб қоладиган одамлар ҳаётда кўп учрармикин, деган саволни баъзида ўзимга бераман. Тўғри, ҳаммамиз ҳам рўзгор ташвиши билан югуриб-еламиз, бола-чақамизни едириб-кийдириш учун ҳар куни уйга бирор нарса кўтариб келишга ҳаракат қиламиз. Бу аслида одамзоднинг азалдан ҳаётий юмуши бўлиб келган. Болалик пайтларимда ҳам одамларда ишлаш керак, пул топиш, бола-чақани боқиш, уй қуриш керак, деган тирикчилик ташвишлари борлигини ҳис қилардим. Лекин, улар орасидаги бир-бирига бўлган меҳр, илиқлик, одамгарчилик, назаримда, ҳозирги дунёнинг ташвишларидан устунроқ эди.



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви-нинг йиғилиши бўлиб ўтди. “Обод турмуш йили”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мазкур жамоат ташкилоти фаолиятининг 2013 йил якунлари таҳлили ҳамда Соғлом бола йилида амалга ошириладиган истиқболдаги вазифаларга бағишланган ушбу йиғилишда бошқарув аъзолари, бир қатор вазирликлар, жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок эттиди. Йиғилишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова бошқарди.

тизимли ишлар қилинди. Имтиёзли кредитлар бериш орқали аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликдаги комплекс чора-тадбирлар амалиётга йўналтирилди.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашда юртимизда фаолият юритаётган бир қатор банк муассасалари билан мустақам ҳамкорликда самарали ишлар йўлга қўйилган. 2013 йилда тижорат банклари томонидан 697,8 миллиард сўмлик аж-

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини

ланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам ўзаро меҳр-оқибат туйғулари бардавом эканини ифодаламоқда.

Йиғилишда кўмитанинг Соғлом бола йилида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада мустақамлаш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган истиқбол режалари белгилаб олинди.

Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш,

АЁЛЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда қайд этилганидек, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошира бориб, оилани янада мустақамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизлар роли ҳамда макеини ошириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, турли соҳа ва тармоқлардаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан

ратилган маблағлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир. Касб-ҳунар коллежини тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан ёрдам берилмоқда.

Давлат дастури ижроси доирасида ўқувчи қизларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, бугунги кенг қамровли ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятига ёшларнинг фаол муносабатини шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида қўллаб-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Буни жойларда ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғрақларининг ибратли фаолиятида ҳам аққол кўриш мумкин. Шу билан бирга, бир қатор ижтимоий лойиҳалар амалиётга жорий қилинапти. Эҳтиёжманд ва кам таъмин-

аёлларни соғломлаштириш масалаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод” жамғармаси, тиббиёт соҳасидаги ўқув даргоҳлари, Скрининг марказлари билан ҳамкорликни мустақамлаш, аёллар ва болалар саломатлиги билан боғлиқ ишларни таҳлил этиб бориш, КВП ва оилавий поликлиникалар фаолияти, аёллар ва болалар спортини янада ривожлантириш борасидаги галдаги вазифалар хусусида қайд этилди.

Бошқарув йиғилишида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
“Оила ва жамият”
мухбири.

“БИР СОҒЛОМ ОИЛА БУНЁД БЎЛГУНЧА...”

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласида шундай номланган тадбирда бир соғлом оиланинг бунёд бўлишида жамият ва унинг фаоллари зиммасидаги вазифалар ҳақида атрофчилик фойда юртилиб, ушбу ҳаётий мисол орқали аҳил оилалар барпо бўлишининг ҳар томонлама аҳамияти хусусида батафсил сўз борди.

Тадбирда туман хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бўлими ва жамоатчилик вакиллари, психолог ва шифокорлар, мазкур маҳалла аҳли, янги ёш оилалар, турмуш куриш ёшидаги йигит-қизлар иштирок этди.

Фирдавсий маҳалласида истиқомат қилаётган 2060 оиланинг 35 таси ўтган йил қурилган янги оила, маҳалладаги 9013 нафар аҳолининг 825 нафари ёш қизлардир. Тадбир давомида бу ҳудудда жойлашган мактабларда олиб борилаётган маънавий ишлар, йигит-қизнинг турмуш қуришга тайёрглигини ўрганиш, оилада эркак масъулияти, қайнона-қайнота-келин муносабатлари, эрта ни-

коҳнинг олдини олиш каби мавзуларда тахлилий фикр-мулоҳазалар юритилди. Ўтган йили маҳаллада 4 та оилавий ажримнинг олди олингани ҳам таъкидлаб ўтилди.

— Тумандаги энг ибратли маҳаллалардан бири бўлган Фирдавсий маҳалласида ўтган йили оилавий ажримларнинг умуман қайд қилинмагани қувонарли воқеа, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бош мухассиси Мухиба Ҳамидова. — Кўмита тақлиф этган лойиҳа асосида ҳафтанинг ҳар бир кuni бирор мавзу доирасида белгиланган.

— Касбим ҳуқуқшунос, нафақага чиққанимдан сўнг маҳаллада фаолият юритиб

келаяпман, — дейди Иброҳим ах Нурмухамедов. — Маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ҳуқуқий маслаҳатлар сўрашса, беминнат ёрдамчини аямаяман. Оилада эр-хотин ўртасида, қайнона-келин, ака-укалар орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш пайтлари, имкони борича ҳаётий тажрибаларга таяниб, икки томонини ҳам муросяа келтиришга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, тадбирда туман ҳамда Фирдавсий маҳалласининг ишчи гуруҳи аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгусида оилалар мустақамлигини ошириш юзасидан қилинадиган янги вазифалар юзасидан керакли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нигора АЛИШЕР қизи,
“Оила ва жамият”
мухбири.



Диққат, танлов!

Журналистика соҳасида

“Олтин қалам” IX миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда chop этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки ситемали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига “Туркистон” саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz**

АКА-УКА ЧЕМПИОНЛАР

Истиқлол фарзандлари

Авваллари кишлоқ мактаб-ларида спорт зали ёки жиҳозлар тугул, оддий стадион

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганининг самаралари истиқлол фарзандларининг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида эришаётган улкан ютуқларида намоён бўлмоқда. Ўғил-қизларнинг ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланишлари учун юртимизнинг барча ҳудудларида шарт-шароитлар муҳайё қилинган уларнинг жисмонан соғлом ва баркамол ўсишларида хизмат қилмоқда.



Ана шундай ёш иқтидор соҳиблари — ака-ука Жавохир ва Ислонбек Синдаровларни бугун кўпчилик яхши танийди. Жажжи чемпионларимизнинг муваффақиятли илк одимлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳақида уларнинг меҳрибон волидаи муҳтарамаси Ҳафиза Синдарова шундай дейди:

— Фарзанд, у ўғилми-қизми, энг аввало, ўз оиласида инсон бўлиб шаклланади. Тақдирнинг сийловини қарангки, қайнотам билан умр йўлдошимнинг касби юрист-ҳуқуқшунос бўлса, қайнонам билан мен педагогмиз. Ҳаммамиз ҳар кун қиладиган юмушларимизни аввалдан режалаб, кейин иш бошлашга одатланганмиз. Шунинг учун бўлса керак, Жавохир ва Ислонбек иккови ҳам бирор кун вақтини бекор ўтишига йўл қўйишмайди.

Уларга кичиклигидан бошлаб ҳикоялар, эртақ китоблари ўқиб берардим. Биргалашиб расмлар чизардик. Ўғилларимнинг кундан-кунга мутлоага қизиқишлари ортиб бораётгани ўзимни ҳам қувонтирарди. Уларни 2-3 ёшларидан бошлаб Сирғали туманидаги 305-мактабга таълим мусассасига бердик. Боғча шинам ва қулай, барча шароитлари яхши, тарбиячилари болаларга меҳрибон, ўз вазифаларини чин дилдан адо этишарди. Ўғилларим улар ўқиган шеърларни сўзмас-сўз эслаб қолиб, уйга келгач, бизларга айтиб беришарди. Уларнинг китобга бўлган меҳрини рағбатлантириб туришининг ўрни бўлакча экан. Буни сезган давдаси ҳам ўғилларимнинг ёшига мос китоблар совға қилиб туради. Бола тарбиясида китоблар ота-онага яқин ёрдамчи вазифасини ўтар экан.

Жавохирбек тўрт ёшида кўпайтириш жадвалини ёд олудди. Ушандаёқ уларнинг зеҳни

ўткирлигини сезганмиз. У пайтда боғча қошида Сабоҳат Зайниддинова раҳбарлигида “Спорт — дўстлик — галаба” номли шахмат тўғраги очилганлиги учун биз ўзаро маслаҳатлашиб, Жавохирнинг устоз қўлига топширдик. У тез орада шахмат қоидаларини ўрганиб олди. Уйда ҳам, боғчада ҳам доим шахмат ўйнардди. Унинг бу саъй-ҳаракатлари икки йилдан сўнг ўз самарасини бериб, Жавохир 6 ёшида 2011 йил Сирғали туманида мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган мусобақада туман бўйича ғолибликни қўлга киритди. Унинг иқтидорига ишонч билан қараган мураббийси Сабоҳат оланинг тавсияси билан ўғлим Тошкент шаҳар чемпионатида қатнашиб, яна ғолибликка сазовор бўлди. У шаҳар чемпиони сифатида ўтган йили 7 дан 10 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида зафар қучиб, классик йўналишдаги шахмат мусобақаси бўйича мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

— Ислонбекнинг ютуқлари ҳам бугун таҳсинга лойиқ. Унинг иқтидори ҳам акасиникидан кам эмас, тўғрими?

— Жавохир қўлга киритган барча марралар бир йилдан кейин укаси Ислонбекка насиб қилаяпти. У ҳам тўрт ёшидан бошлаб Сабоҳат Зайниддинова раҳбарлигида шахмат тождорлари Алёхин, Ботвинник, Капабланка, Каспаров ҳамда Рустам Қосимовнинг дона суришларидаги шахмат сирларини кунт билан ўрганмоқда.

2013 йилнинг июнь ойида Эронда ўтказилган 6–10 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионатида Жавохир иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль соҳиби бўлган бўлса, Ислонбек рапид, классик ва блиц йўналишлари бўйича Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлиб, учта олтин медални қўлга киритганда беихтиёр кўзларим севинч ёшларига тўлди.

— Спорт доимо зукколик, мардлик, катта куч ва мустаҳкам иродани талаб қилади. Икки рақиб беллашаркан, му-



собақа барибир бири ғолиб, иккинчисининг эса мағлуб бўлиши билан якунланади. Фарзандларингиз чемпионлик учун шахмат устида дона сураётган пайтларида сизнинг кўнглингиздан нималар кечади?

— Аввалига ҳали бола-ку, деган кўз билан қарардим. Кейинчалик икковининг шахмат бора-сидаги жиддий ютуқлари мени қувонтирди. Қолаверса, уларнинг ўйинлари эндиликда бутун юртимизнинг шаънига тааллуқли воқеа бўлгани учун ҳам албатта рақибларидан устун келишларини истайман. Тўғри айтдингиз, улар чемпион деган номни қўлга

киритгунларига қадар мағлублиқни ҳам бошдан ўтказишган. Бундай пайтда уйга келишлари билан икковлон рақибларининг улар билмаган юриши ҳақида дарров баҳслашиб, ўзлари амалда синашга тушиб қолишарди. Ростини айтсам, шахмат устида уларнинг асло алам, изтироб ёки тушкунликка тушганини кўрмаганман. Аксинча, шахмат устида ака-ука беллашуви кучайиб кетади. Янги юриш сирларини ўргана бошлашади. Ҳозир Жавохир 9, Ислонбек эса 7 ёшда бўлса-да, уларнинг мустақил фикрли, мулоҳазали эканликларини ҳис қилиб суюнаман. Ҳар кун мактабдан келишгач, дарсдан ташқари китоблар ўқишади, футбол ўйнашади.

— Фарзандларингиз ишончли қўлларда бўлса-да, чет элдаги беллашувларда ўйин пайти болаларга оила аъзоларининг ҳам руҳан далдаси бўлса янада яхши, деган ўй дилингиздан кечадими?

— Менимча, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга олишга одатланганлари маъқул, деб ҳисоблайман. Назаримда, кичик ёшда бўлишса ҳам уларнинг туйғулари, масъулияти оила даражасидан баландроқ. Яна шунини айтмоқчиманки, узоқ юртларда мусобақа бўлганида қайнотам набиралари билан бирга боради. Фарзандларимнинг тарбиясида, эришаётган ютуқларида қайнотам ва қайнотамнинг ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар Жавохир ва Ислонбекнинг гўдаклигиданок тартибли ҳамда қатъиятли бўлишлари алоҳида эътибор бериб келишгани учун ҳам уларга бахт қулиб боқаяпти-да!

“Оила ва жамият”
муҳбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
суҳбатлашди.

бўлмаган, мактаб ўқувчилари ҳар гал чанг ёки лой босган жойда копток тепиб, арқон тортиш, “оқ теракми-қўқ терак” ўйинлари билан вақт ўтказишарди. Қизлар-ку у ёқда турсин, ҳатто ўғил болаларга ҳам ота-оналар спорт секцияларига боришга ҳар доим ҳам рухсат беравермасди.

Энди эса истиқлол шарофати туфайли оддий кишлоқда туғилиб ўсган болалар спорт соҳасида мамлакатимиз довруғини дунёга ёймоқда. Ота-оналарнинг ўзлари эса сал суяги қотган ўғил-қизини етаклаб спорт тўғрақларига шошиляпти. Оддий мисол, Поп туманининг чекка бир кишлоғида вояга етган Мадина Якубованинг отаси Ирисбек ака кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишласа, онаси Шарифахон қўли гул дўппидўз, лекин иккаласининг ҳам спортга меҳри баланд. Шу боис ҳам ёшлигиданок дадил, ҳаракатчан Мадинани Бахтиёр Мадаминов мураббийлик қилаётган шотакан қаратёдо клубига беришди. Иродаси кучли қиз қисқа муддат ичида аввал туманлараро, кейин эса вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақалар ҳамда чемпионатларда муваффақиятли қатнашиб, йигирмага яқин медаль ва дипломларни қўлга киритишга эришди.

“Қизим, ҳеч қачон галаба осонликча қўлга киритилмайди, ҳамиша мустаҳкам ирода, дадиллик

ҚАЛБИДА БАРЧИНОЙ ШИЖОАТИ

ҳамроҳинг бўлсин, биз сенга ишонамиз!” — ота-онасининг ҳар гал такрорлайдиган шундай ёруғ тилаги унга мадад бўлди, десак, муболаға қилмаймиз. 2011 йил Малайзия ва Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирларда Мадина Якубова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, нуфузли ўринларни эгаллади.

— Ўртбошимизнинг менинг тенгқурларим — истиқлол фарзандлари шаънига қарата айтаётган ҳар бир ҳикматли сўзлари, далдалари бизларга қанот бағишляпти, янги-янги галабалар сари руҳлантирмоқда, — дейди Мадина Якубова фахр билан. — Қолаверса, давлатимиз томонидан спортга берилаётган эътибор туфайли хорижий давлатларга бориб келаялмиз. Мақсадимиз бундай ғамхўрлик ва имкониётларга муносиб тарзда жавоб беришдир.

Поп туманидаги 19-умумтаълим мактабининг 9-синфиди таҳсил олаётган Мадина Якубова ушбу таълим масканида аълочи ва жамоатчи ўқувчилардан бири. “Қизимнинг қизиқмаган соҳаси йўқ. Адабиёт фани, айниқса, бадий китоблар унинг жону дили. Спортнинг шарқона турларидан ташқари унинг оттаям меҳри бўлакча. Отасининг отлари орасида Афзал лақабли тулпор билан тил топишиб олган. Насиб этса, у кишлоғимиз ёшлари ўртасида от спортини кучайтиришни ҳам мақсад қилган. Айниқса, Мадинани кишлоқ бўйлаб ёки тоғлар бағрида кўрқмасдан от чоптириб юрганини кўрганлар “Қизингизда худди Тўмарису Барчинойларнинг шашти, ғайрати бор” дея ҳайратланиб гапиришади”, дейди Шарифахон опа қулимсираб.

Қувончлиси, ҳали ёш бўлса-да, юрагиди бир олам орзулар билан ёшаётган оддий кишлоқ қизи Мадина Якубова яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари ўртасида ўтказилган вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Шаҳзода АҚБАРОВА,
журналист.
Наманган вилояти.



Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ – ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ИМТИҲОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ота-онам етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишган. Мен еттинчиси-ман. Улар 1943 йилнинг январь ойида, яъни айни уруш олови қизиб турган пайтларда турмуш қуришган. Тасаввур қилинг, қишнинг қаҳратонида, уруш ҳолатида ҳам ҳаёт қонуни ўз сўзини айтган-да. Онамнинг айтишларича, уларнинг тўйи бўлганида ҳаттоки келин-куёв учун кўрпа-тўшак қилишнинг имкони бўлмаган. Дадамнинг китобларини териб, устига кийимларини ташлаб “ёстиқ” қилишган, устларига шинел ёпиб, шундай ҳолатда ҳам бирга эканликларидан бахтиёр бўлишган. Бугунги кунлар шукронаси учун бу кечмишларни эслаб турмоғимиз лозим, деб ўйлайман. Ҳозирда тўкинчилик, баъзан тўйда “кам-қўстига ишлатилар” дейилган нарсаси эки маблагнинг ўзига ихчамгина бир тўй қилса бўлади. Айниқса, келиннинг сепига дунёнинг моли кепти-ю, битта нарсаси қўшилмапти ёки куёв тараф кутган нарсаси бўлмапти, каби майда-чуйда гаплар устида оилалар бузилиб кетаётганини, афсуски, учратаёмиш. Севишчи, бир-бирига интилиб, усиз яшолмайман, деб турмуш қурган баъзи одамлар ҳам кейинчалик севган аёлини кўчадаги ҳар хил хоёуҳавасга айлантриб юборгани ҳам кузатилади. Билмадим, бундай одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгарганмикин ёки уларнинг ўзи ўзгардимикан, дейман-да. Ўзинг севган одамнинг манфаатини ўз манфаатингдан юқори қўя олишни инсонлар ўртасидаги энг катта муҳаббат белгиси, деб биламан.

— **Ота-онанинг қайси фазилатларини кўпроқ ўзингизда кўрасиз?**

— Икковидан ҳам нима-лардир ўтган менга. Кўпроқ онамнинг қунончилиги кўчгандай. Самарқандга уларни кўргани борардим. Қайтаётганимизда аям “Тошкентга етиб боришинг билан дарров телефон қилгин”, деб қайта-қайта тайинларди. Уйга етиб келиб, хабар бермагунимча ухламас экан. Ўғилларим энди кап-катта йигитлар, оилали бўлиб қолишганига қарамай, бир жойга чиққанида уйга қайтиб келгунича кўнглим хотиржам бўлмайди. Каттиқ чарчаган бўлсам ҳам кўзимга уйку илинмайди.

Отам тўксон ёшларида оламдан ўтдилар, ўша кун, ишонасизми, хали ўқиб туғатмаган китоблари очик қолди... Бешиқдан қабрга ҳам илм изла, деган улўғ хикматнинг ҳаётдаги намунасини отам тимсолида кўрганман. Кексайдим, энди бу дунё менга нимага керак, деган

эмасди. Ўзини қизиқтирган ҳар битта мавзунинг тағига етиб, тушунишга ҳаракат қилиб, китоб титкилашдан

томонлари бор. Негаки, ҳар битта хато бу керакли тажриба, ҳар битта хато бу дунёга



чарчамасди. Шунча билимдон, зиёли одам бўлса-да, мен каттаман, маҳмадоналик қилиб менга ўргатманлар деганини бирор марта эшитмаганман. Дадамнинг бировга ҳасад қилганини, ҳеч қачон бировда нимадир бўлса, мендаям шунақа бўлсин деган ҳаракатини кўрмаганман. Ўз кучи, хоҳишича яшаб, бахтиёр, кўнгли доим ҳаловатда эди. Ўша сифатларни ўзимда қўриб, шундай кенг феълли инсонларнинг фарзанди бўлганимдан қувонаман, бу ҳам Яратганнинг бизларга бир инъомидир балки.

— **Кўп кузатганимиз, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам силлиқ кечмайди, нега шундай?**

— Бола тарбияси ҳар бир инсон учун жуда қийин имтиҳон. Чунки ўқиб-ўрганганингизни имтиҳон қилиб топшириш осонроқ, бироқ фарзанд тарбияси биз хали ўқимаган-ўрганмаган фандан топшириладиган оғир имтиҳонга ўхшайди. Шунинг учун ҳар бир ота-онага бу ҳаёт-мамонт иши — имтиҳонда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин, дейман. Айримлар ота-она қанақа бўлса боласи ҳам шунақа бўлади, дейди. Фарзанд тарбиясига бу ёки бошқа тарзда умуман формула қўйиб бўлмайди, менимча. Унақа бўлсанг, боланг бунақа бўлади, деб ҳулоса чиқаришда ҳам шошилиш ярамайди. Аввал бошида унга инсоф берган бўлсин. Ҳар бир бола характеридан манфий ва мусбат томонлари билан туғилади. Ижобий жиҳатлар кўпроқ бўлса, худонинг инсоф бергани ўша бўлса керак. Чунки инсофли бўлса, сиз берган маслаҳатларни тўғри тушуниб, тўғри йўлдан кетади. Табиийки, хато қилмай ўсган болани билмайман. Ҳатто ўша хатоларининг ҳам мусбат

қарата кўзининг очирилиши. Бу дунёда нима қилишни билиш кераклигидан кўра нима қилмаслик кераклигини билиш муҳимроқ туюлади. Бунда ҳар бир ота-онанинг роли ҳам алоҳида.

Ўзимдан мисол қилсам, мен болаларимнинг ҳеч қачон дўстини, яқинларини сотмаслиги, қаллоблик қилишга ҳадди сифмасликларига ишонаман. Уларнинг бундай руҳда ўсишига сабаб, болаларимга фақат она эмас, дўст ҳам бўла олганимда деб биламан. Биров ўргатмаган бўлса ҳам, ўз вақтида қайси-дир ҳиссиёт биланми, бу менинг фарзандларим, уларнинг хатолари, шўхликлари ҳаммаси билан қабул қила олсам, марра меники деб тушунган эканман. Хато қилиб қўйишганида жазо беришдан кўра, сабабини тушунишга ва тушунтиришга ҳаракат қилганман. Ҳозир ҳам ўғилларим Анвар ва Акбар билан она-ўғилдан кўра дўстлик муносабатимиз кучлироқ.

— **Халқимизда данагидан мағзи ширин, деган аjoyиб нақл бор. Ўзингиз энди буви сифатида ана шу ибратли иборани қандай изоҳлайсиз?**

— Икки нафар неварам бор. Ўғлим Анварнинг уч ёшдан ошган фарзанди Аднан ва жияним Шухратнинг тўрт яшар ўғли Далер. Раҳматли акамнинг ўғли Шухрат Тошкентга ўқишга келганидан буён, ўн етти йилдирки, биз билан бирга яшайди. Алоҳида янги уйига кўчиб ўтишганига эндигина бир ой бўлди. Унинг боласи Далер мен учун катта набирам ҳисобланади. Бир пайтлар ота-онамдан сиз айтган нақлни эшитиб, нимага унақа дейсизлар, дердим. Негаки, набирамни мана шу боламни яхши кўрганимдан ҳам қаттиқроқ яхши қўришим мумкинми, деб ўйлардим. Буви

бўлганимдан сўнг энди ўзим-да ҳам шундай фикр туғилди. Ўз болангни ҳатто у дунёнинг азобини кўриб туриб дунёга келтирасан, оналик бахтига муяссар бўласану, лекин набирангни қўлингга олиш, буви бўлдим, дея олиш учун эса дунёнинг меҳнатини, захматини тортиш керак экан. Бунинг учун аввало бир шахсиятни камолга етказишнинг керак. Яъни ўз болангни дунёга келтириб, уни тарбиялаб, камида ўттиз йил кутади инсон. Шунда ҳам насиб қилгани бор, насиб қилмагани бор. Набира туғилганидан сўнг инсон муҳаббатни, ҳаёт ишқини қайта бошдан сезар экан. Яшаётган ҳар бир дақиқасига бошқача бир назар билан қарайдиган, ҳаёт қадрини биладиган пайтнингда шу улўғ бахт келар экан. Ҳаётнинг яна бошдан бошқа бир рангларга тўлиб кетаркан, янги бир маъно кираркан. Шунинг учун набира ўз болангдан ҳам ширин бўларкан-да.

— **Мухлисларимизни Насиба Абдуллаеванинг келинлари билан муносабати ҳам қизиқтириши табиий?**

— Бу борада мен кўпроқ онамнинг тажрибаларини қўллаб келаяпман. Одамлар онамга беш келин билан бирга яшадингиз, онахон, қандай қилиб сизнинг ҳовлингиздан жанжал чиқмади, гап чиқмади дейишарди. Шунда онам “Ўз болангнинг хато-камчиликлари билан севганингдек, бировнинг боласини ҳам худди шундай яхши кўра олсанг, у ҳам сенга ўз онасидек қарайди”, дер эди.

Баҳора келин бўлиб тушганидан бошлаб хонадонимга бошқача нур кириб келди. Келин келган уйда ҳаёт қайнаб бошларкан. Хонадонга фойз кираркан. У турмушга чиқишдан олдин Самарқанд драма театрида актриса бўлиб ишлаган. Кейин хизмат фаолиятини Тошкент эстрада ва цирк коллежида актёрлик маҳоратидан дарс бериш билан давом эттирди. Ўғлим Анварнинг рафикаси Анна эса Ўзбекистон телевидениеси даргаларидан бири Георгий Ирлиннинг невараси. Ҳозир улар иккинчи фарзандини кутишяпти. Худо хоҳласа, набирам яна бир нафарга кўпаяди. Мен келинга қанчалик кўп меҳримни берсам, у ҳам шунчалик меҳрини менинг фарзандларим — набираларимга беради деб умид қиламан.

— **Бугунги давр аёлининг ҳаётда фаол бўлишини тақозо этмоқда. Аёлининг шахс бўлиб етишиши учун нимага эътибор беришимиз зарур, деб ўйлайсиз?**

— Ҳар битта инсон шахс бўлиб туғилади. Аммо бу хусусият уни биз тарбиялашимиз орқали юзага чиқади. Қизларимизни тарбиялаётганда кўпроқ эътиборимизни уларнинг бекалик, саришталик, тозаллик ва бошқа энг зарур юмушларга йўналтиришга қаратамиз. Ҳаёт мажбур қилганида, оилали бўлганида бу юмушларни барибир ўрганади, қилади. Лекин ўз вақтида касб ўрганмаган, билим олмаган бўлса, уни кейин ҳаёт мажбур қилганида ҳам ўрганишининг иложи бўлмайди. Қизларнинг чинакам шахс бўлиб етишишлари учун бир томонлама тарбия бериш билан кифояланмаслик лозим. Ота-она биринчи навбатда қизини ўқитиши, касб-корли қилиши керак. Айнан мактабдан кейинги ўқиш жараёнида унинг ўзига бўлган ишончи орқали ўз шахсиятига бўлган ҳурмати, эътибори ошади. Шунда у ўз ҳурматини, шахсиятини ўзгалар олдида қандай тутишни билади. Энг муҳими, ҳар доим ўзи учун жавоб бера олади. Фақат уй ишларига эътибор қиладиган аёлдан кўра шахсиятини шакллантира олган, ўз касбининг устаси бўлган, шу билан бирга, аёлигини йўқотмаган, оиласига меҳрини бера олган аёлининг оилада ҳам, жамиятда ҳам ўрни ҳаёт талабига мос бўлади.

— **Инсон улғайгани сайин унинг ҳаётга бўлган қарашлари ўзгаради. Кимдир панд-насихатли, яна кимдир эса классик қўшиқлар куйлашга мойил бўлиб қолади. Айни кунларда сизда қандай мавзулардаги қўшиқларни ижро этиши истаги туғилляпти?**

— Болалигимда, яъни санъатга илк қадам қўйган вақтларимда ҳам уч кунлик олди-қочди қўшиқларга ҳеч қачон қизиқишим бўлмаган. Санъатни чин юракдан ҳис қилган одамлардан андаза олганим сабаб, ҳар доим жиддий, мазмундор мусикага қизиқанман. Бугунги кунга келиб мен сифати, вазни, салмоғи ўтган ўн йилликларда ёзилган куйлардан кам бўлмаган янги қўшиқлар яратилишини ва мен уларни ижро қилишни жудаям хоҳлайман. Репертуаримга янги қўшиқлар керак, албатта. Аммо номига янги қўшиқ бўлса бўлди, деб дуч келганини айтмасдан мен учун шунақа қўшиқ яратилишини кутяпман. Унга томошабиннинг кўнглидан жой олиб улгурган, узок йиллар олдин ижро қилинган ўзим ва бошқа устоз санъаткорларнинг қўшиқларига мурожаат қил-япман. Ушларга сайқал берилиб, ижро этилаётганидан қўшиқларимга мурожаат бўлишяпти. Балки бу мулоҳазаларим кимдандир фикр уйғотиб, мен истаган даражадаги бирор қўшиқ яратилишга сабабчи бўлар, унда бахтиёр бўлардим.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.

Ошхонада овқатга уннаётган Соҳида опанинг олдида ташқаридан югуриб келган жажжи ўғли: "Ойижон, пул беринг", деб қолди. Ойисининг хафасидан пир бўлиб қараганини кўрган Нозимжон бу "йўқ" дегани эканини тушуниб, йиғлаб хархаша қила бошлади: "Ана, Азизнинг ойиси пул берди-ку, нима, сиз мени ёмон кўрасизми?" ...

Бу жуда таниш манзара. Болажонлар бўш қолди дегунча гоҳ телевизор кўради, гоҳ компьютер ўйнайди. Дейлик, телевизор кўрсатувлари ёш нукта назаридан болага мос ёки тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, турли хил сериаллар, уларда акс этган муҳаббат лавҳалари, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари боланинг мурғак тасаввурларига таъсир этмай қолмайди, лекин улар катталардай соатлаб томоша қилаверадилар. Шунингдек, компьютерда улар ўйнайдиган жанговар, қўрқинчли ўйинлар эса бола онгини аста-секин ёмонлик сари бошлаши ҳеч гап эмас.

Табиийки, болалар ўзи кўрган, кузатган нарсаларини такрорлашга уринади. Улар ҳали қалаётган ҳаракатлари тўғри ёки нотўғри эканлигини тўла тушунавермайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, компьютер ўйинларидаги ваҳшийлик, ёвузликни тарғиб этувчи жанговар ўйинларни кўргач, бола онгида буларни ўзида синаб кўриш истаги пайдо бўлиши мумкин.

— Боланинг ақлий ривожланишида даставвал, унинг биологик, физиологик, психологик жиҳатларига эътибор қаратиш лозим, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Муяссар Аҳмедова. — Бола онги ривожланиши билан бирга

ЎЙИНДАН АВВАЛ ЎЙЛАШ КЕРАК



унинг акселерацияси, яъни мустақил фикрлашининг ўсиб боришида ва ташқи дунёни қабул қилиб унга тез ғўрсатда реакция қайтаришида бевосита жисмоний ҳаракатларнинг таъсири кучли бўлади. Авваллари болалар ерга чўп билан чизиб ўйнаган бўлса, ҳозир гул ва нақш каби чизмаларни ёки ўйинларни бўр билан чизадилар. Бундай ҳаракатлар ёрдамида бола ҳар хил белги ва нукталарни эслаб қолади, шу билан бирга, хотиранинг кучайиши, эшитиш, кўриш қобилияти, турфа ранглари нозикликларини билан фарқлай олишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳаракатли ўйинлар бола организмнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади, бунин миллий ўйинлар мисолида айтиш мумкин.

Шунингдек, боланинг ривожланиш босқичида у яшаётган жойнинг аҳамияти ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, қишлоқда деҳқончилик, чорвачилик қилингани боис болалар шу меҳнат жараёнида

рини кўриб ўсади, табиатга, ҳайвонот оламига муносабати шаклланади. Шаҳардаги болаларнинг кўпроқ вақти техника воситалари билан банд бўлади. Ота-оналар фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ҳамда уларнинг соғлом ўсиши учун спорт ва бошқа турли хил тўғараклар, ўқув курсларига ёки қизиқишларига қараб ҳунармандга шогирдликка бериши айни муддаодир. Чунки бола ўсимирлик даврида машқ ва билимларни тез ўрганиб, тез қабул қилади. Жисмоний ҳаракат билан мунтазам шуғулланган ўғил-қизлар соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етади.

— Фарзандларимизнинг ҳаракатли ўйин ва машғулотлардан анча чекланиб, техника ўйинларига кўпроқ эҳтиёж сезаётганига, қайсидир маънода, биз катталар сабабчимиз, — дейди пойтахтимиздаги 18-мактабгача таълим муассасаси мурраббийси Ҳанифа Мирзаева. — Масалан, она ўзи

Тарбия

уйда бўлгани боис боласини боғчага бермайди ёки кўчага ҳам чиқаравермайди. Натижада улар телевизор, компьютер, телефон каби техника воситаларга кўпроқ боғланиб қоладилар. Она эса боласи ўз ёнида эканидан хотиржам бўлиб, ўз юмушларини қилаверади.

Албатта, фарзандларимиз бу техника воситалардан фойдаланишни ўрганиши зарур, бунин ҳаёт тақозо этмоқда. Фақат бу машғуллик уларда инсоний фазилатлар шаклланишига ҳалақит берадиган даражага бориб қолмаслиги керак.

Мутахассисларнинг ушбу мулоҳазаларини тинглаб, болалигимизда "Оқ теракми, кўк терак", "Етти тош", "Ўртага тушар", "Бекинмачок" каби ҳаракатли ўйинларни кўп ўйнаганимизни эсладим. Болалик беғубор ва ўйинқароқ дамлар фаслидир. Бироқ, бу ўйинлар инсоннинг умрига татиши ҳам мумкин экан. Ўйинларда мазмун етакчилик қилиши, бунин эса болага билдириб-билдирмай катта ёндагилар бошқариб туришлари, асло эътиборидан четда қолдирмасликлари лозим. Ота-оналар фарзандларига техника воситалар билан меъёридан ортиқ вақт андармон бўлишининг зарарли жиҳатларини тушунириб туришса, фойдадан холи бўлмайди. Шу билан бирга, ҳаракатли ўйинларнинг афзалликларини айтиб, уларни миллий ўйинларимизга қизиқтириш мумкин. Миллий ўйинларимизда биз кутган мазмун бор ва бу теран мазмун бола онгига беозор сингади ҳамда уни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда кўмаклашади.

Феруза НАБИЕВА.



ЯККАБОШ — ҳеч кими йўқ, сўққабаш, кимсасиз ёлғиз кишига нисбатан тилимизда "яккабош" сўзи қўлланган. Шунингдек, тилимиздаги "ўзидан бошқа қораси йўқ" деган ибора ҳам шундай одамларга нисбатан ишлатилган.

Ота-онасидан айрилиб, яккабош саргардон бўлиб юрганидан буён, бирон одам у билан одам қотари гаплашмаган эди.

Раҳмат Файзий

ҚАШҚАТАЁК — "Зоминнинг тил қомуси" китобида изоҳланишича, тилимизда гап ҳам, калтак ҳам таъсир қилмайдиган одамга нисбатан "қашқатаёк" сўзи қўлланган. Бу сўз болаларга нисбатан кўпроқ қўлланади.

— Агар болангни қашқатаёк қилиб қўйсанг, кейин ҳеч нарсаси қор қилмай қолади.

Журналдан

МУРҒАК — тилимизда бу сўз гўдак маъносиди, ҳали суяги қотмаган, ўзини тутиб ололмаган деган маънода қўлланади. "Мурғак" сўзи ҳали қувватга кирмаган навиҳол маъносиди ҳам ишлатилади.

Бу сўзнинг асл маъноси "қушча", "жўжа" мазмунини англатади.

Жарроҳ Ахрор Раҳматуллаев дадиллик кўрсатди: ғоят масъулиятли бўлса ҳам, тўрт ойлик мурғак чақалоқни операция қилди.

Журналдан

НИЛУФАР — биз осмонни нилий рангда деймиз. "Нилий" сўзи "кўк", "мовий" маъносини англатади. "Нилуфар" сўзининг асосида ҳам айнан шу "нилу" сўзи ётади. Ундаги "фар" сўзи "ярқираш", "чирой" деган мазмунни ифодалайди. Демак, сувада ўсадиган чиройли йирик гулли ўсимликнинг номини билдирган "нилуфар" сўзи асли "кўк рангли чирой", "мовий чирой" деган маънони англатган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Дераза ва ойналарни совунли ёки содали сувада юзмаганингиз маъқул. Яхши, таркибда спирт бўлган маҳсус воситалардан фойдаланинг.

Пиёз мия хужайраларини кислород билан таъминлайди. Саримсоқ эса уларнинг фаоллашишига олиб келади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича,

гипертонияга қарши ичиладиган дори-лар кечкурун ичилганида яхшироқ таъсир қилади.

Иммунитетнинг мустаҳкамлиги одамнинг 100 йил ва ундан кўпроқ умр кўришини таъминлайди.

Оқ рангли матодан тикилган кийимлардан эски доғларни кетказиш учун шу жойни водород пероксиди билан артиш лозим.

Кун бўйи бир жойда ўтириб ишлаш қон айланишининг сусайишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун ҳар куни 30 дақиқа пиёда юринг. Вақти-вақти билан оёқ учиди туриш ва ўтирганда оёқларингизни чалиштирманг.

Озишни истовчи аёллар иштаха бўғувчи ҳидлардан фойдаланиши мумкин. Олимлarning аниқлашича, бу ванилин, банан, ялпиз, атиргул ва лаванда ҳидларидир.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қўйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Қаштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99899 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўллик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99899 678-50-30 (кундузи)

Сабоҳат ота-онасидан барвақт жудо бўлди. Серфарзанд тоғасининг хонадонидида ўсиб-ўлғайди. У гапга чечан, ишга пухта, мактабда ҳам нукул аъло баҳоларга ўқирди. Балогатга етгач, хусни янада очилди: оқи оқ, қизили қизил бўлди...

Бошқа бир қишлоқда эса анча бадавлат оила яшарди. Бу хонадонда икки ўғил вояга етган бўлиб, каттаси фалакнинг гардиши билан кам кўрим,

кичкириб юборди: "Бу мен билан учрашган йигит эмас-ку!" Хаёлига дарров шу фикр урилди. Беихтиёр эшик томонга юриб, қаттиқ итарди, эшик очилмади. "Сир"нинг очилишидан кўрққан янгалар эшикни сиртдан кулфлаб қўйишганди. Киз "тузоқ"ка тушганини фахмлади. Аламиндан "дод" деб юборай деди.



ЧИМИЛДИҚДА... БЕҒОНА КУЁВ

бир кўзи сал ғилай, ақли ноқисроқ эди. Кичиги эса ўт-олов, ақли теран, сўзи бурро, ҳар жиҳатдан ақсидан анча юқори турарди. Отанинг кичик ўғилдан кўнгли тўқ бўлса-да, лекин тўнғичининг тақдирини ўйлаб туну кун жони ҳалак эди. "Шу болам ҳам уйланса, ҳаётнинг лаззатини тотиб, фарзанд кўрса", деб орзу қиларди. Лекин билардики, бу ўғилга яқин атрофда ҳеч ким қизини бермайди!

Шундай бўлсаям, барибир бир кун шу хусусда қариндошларини йиғиб, маслаҳат солди. Халиги тоға ва унинг асранди қизи ҳақидаги гапни шулар орасидан кимдир ўртага ташлади.

— Шуникига бориб кўрсак-чи?

— Тоғаси жўжабирдай жон, тўлиб-тошиб, анча қалин ваъда қилсак, рози бўлиши мумкин, — деди кимдир.

Сухбат мазмунидан аёллар огоҳ бўлишди.

— Хо, у қиз ўткиргина, бу қайнимнинг турки-тароватини кўрса, сираям рози бўлмайди, — деди амакининг хотини.

Шунда қариндошлар бир тadbирни ўйлашди:

— Қизга кичик ўғилни кўрсатамиз. Куёвни эса никоҳ кунга кўради. Тўйдан сўнг кўникиб кетаверади-да!

Бу тақлиф барчага бирдай маъқул тушди...

Болалари кетма-кет бўй етиб турган тоға совчиларнинг катта пул ваъда қилаётганликларига ўчдими, ёки "Ҳарна биттасини узатиб қутулиб олай" дедими, ҳуллас, жиянини сўраб келганларга ўйлаб-нейтиб ўтирмай, "хўп" деб юборди. Сабоҳат ўша кунёқ тоғасининг аёли (янғаси)га "Мен йигитни кўришим керак!" деди. Уларни учраштиришди. Келишилганидек, учрашувга ука чиқди. Икки ёш дарров "тил" топишишди. Аниқроқ айтганда, бир-бирини ёқтириб қолишди. Кейин тўй кунини белгиланди. Ҳамма иш рисоладагидек кетаётганди, бироқ... Сабоҳат куёвни чимилдиқда кўрди-ю,

Бироқ наилож... энди дардини кимга айтсин? Тоға ҳам, янға ҳам, янги қайнонаю қайнота ҳам, кўни-қўшнлар бу "сир"ни билардилар, қай бирлари эса йўқ. Сабоҳатга бу нарсаси қоронғу эди. Лекин, энг ёмони ҳовлида юмуш қилаётиб, ўзи яқинда учрашувда кўрган йигит билан тўқнаш келиб қолди.

Кейин билсаки, бу йигит қайнукаси экан! Шу кун ухломлади, тақдирдаги бундай аянчли бурилиш унинг жону жаҳонини ларзага солаётганди шу топда. Нега бундай йўл танлашди? Кимнинг айби бор бунда? Нахот уни одам ҳисоблашмай, ҳаётини ўйинчоқ қилишди?!

Худди шу кунларда қайнука ҳам ичиндан азобланаётганди. Шу ёшгача севги нималигини билмаган йигит ўша биринчи учрашувдаёқ Сабоҳатга кўнгил қўйганди! У энди Сабоҳатни унутолмас, айниқса, ҳовлида унга кўзи тушди дегунча, юраги ўртаниб кетаверарди. Ахийир ўйлаб-ўйлаб, уни холи учратди-ю, дардини айтди.

— Ахир инсон дунёга бир маротаба келади, нега ўз севгимиз учун курашмас эканмиз? Булар бизни алдашди, хоҳласанг эртагаёқ бу зимистондан қочиб кетамиз! — деди йигит шартта.

Сабоҳат ўйлаб қолди. Нима қилсин? Агар ўзи ёқтирган шу йигит билан узок-узокларга кетмаса, бу ерда шу овсарроқ куёвнинг хурмагага сиймайдиган қилиқларига тоқат қилиб яшайи керак. Қачонгача? Бир амаллаб тоқат ҳам қиларди-я, лекин уни алдашиб, гулдай ёшлигини хазон қилишганига қандоқ чидаб бўлади? Ахир кап-катта кишилар тил бириктириб, бир қизни тузоққа туширишди. Сўнг ўзлари бир чеккага ўтиб, "Қани, кўрайлик-чи, бу қиз энди нима қиларкин?" дея томошабин бўлиб қараб туришса. Бу қандай бедодлик? Ўзи ота-онасиз ўсгани етмасмиди?!

Хуллас, эртасигаёқ қишлоқда "Янги тушган келинчақ қайнукаси билан қочиб кетибди!" деган гап тар-

Бўлган воқеа

қалди. Кимдир ундоқ деди, кимдир бундоқ деди...

Лекин, бечора ёшлар қаёққаям боришарди? Холаси уларни уйга киритмай, ҳайдаб чиқарди. Амма эса иккисини ҳовлидаги сўрига ўтқазди-ю, ўзи ичкарига кириб, акасига сим қокди. "Тез етиб келинг, болалар шу ерда", деди. Қайнота жаҳл отига миниб, ўғли ва келинини уйга олиб кетди. Шу кунёқ ҳарбий комиссариатга бориб, у ердагиларга ахволни тушунтирди. Уч-тўрт кун ичида кичик ўғил аскарликка жўнатилди...

Келинчақнинг оғир кунлари бошланди. Қайнотанинг юз-кўзи қаҳрли, қайнонанинг ҳар сўзи заҳарханда. Кўни-қўшнлар эса бу ҳовлига қадам ҳам босишмайди. Куёвнинг хурмага қилиқлари кўпайгандан кўпайган, у энди Сабоҳатни аямай ҳақоратлаб сўқар, унинг устидан мазахлаб куларди. Келин бу уйдаги аянчли ахволга тоқат қилолмасдан, ниҳоят тоғасиникига сим қокди. "Ўзингиз биласиз-ку, мен энди бундай одамлар билан бирга яшолмайман, ахволимни тоғамга тушунтиринг", деб ёлворди.

Янғаси бечора эса бўшашибгина: "Ҳалиги воқеани эшитиб, тоғангиз сизни қ и б л а г а қараб қаргандилар, ҳозирча кўзларига кўринмай туринг", деди.

Бу гапни эшитиб, Сабоҳат баттар сиқилди. "Бўлди, бас, энди бу дунёда яшолмайман!" дея жонига қасд қилмоқчи бўлди. Лекин эпломлади... Қайнонаси халақит берди. Иккинчи гал эса жони кўзига ширин кўринди. Судга боришни дилига тугиб қўйди. "Қонунларимиз балки мени ҳимоя қилар", деб умид қилди. Бироқ ўйлаб қолди. Судга бориб нима дейди? Кимни айбдор деб айтди? Ахир ўзининг ҳам айби бор-ку! Катталарку уни алдаб "қопқон"га туширишган экан, ҳўш, ўзи-чи, нега ҳуқуқларидан фойдаланмади? Нега ўзини алдаган кишиларни аввалроқ фош қилмади?

Теварак-атрофдагилар — ўша кунни маслаҳатга тўпланган қон-қариндошлар, барча тўйгача "сир"дан огоҳ бўлган кўни-қўшнлар, ҳамма-ҳаммасининг эндиги воқеалардан виждони қийналмаётганмикан? Уларнинг бирортаси, ақалли биргина киши бу ҳақликнинг олдини олиши мумкин эди-ку? Ана шунда балки шу яхшилик сабаб, ҳамма иш ҳеч бир муаммосиз ҳал этилармиди? Шу биргина яхшилик қизнинг тақдирига нур олиб кирармиди? Нега биз бир оғиз яхши сўзимизни ўз вақтида айтмаймиз? Кимгадир яхшилик қилмоқчи эканмиз, нега уни ўз вақтида қилишга шошилмаймиз? Оқибатда, лоқайдлигимиз тўғайлиб бир инсоннинг тақдири ерпарчин бўлади... Виждонимиз қийналмасмикан?

ТАХРИРИЯТДАН:

Бу кўлэманинг муаллифи номаълум, газетамизга ким томонидан тақдим этилганини ҳам аниқлай олмадик. Эътиборли жиҳати, баён қилинган воқеа ҳаётий, айтиш мумкинки, бундай аянчли қисматга дучор бўлганлар ҳам орамизда учраб тураркан. Мақтуб савия билан ёзилгани боис деярли тахирисиз чоп этдик. Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Мулоҳаза

ОТАЛИК БЕЛГИЛАНГАЧ

Инсон ҳаётининг энг тотли мева-си бўлган фарзанд оила бағрида туғилади, ўсиб-ўлғайди. Зеро, ота-она боланинг тарбиячиси ва посбонидир. Шу боис ота оталик, она оналик бурчини унутган оилада фарзандлар тарбияси дарз кета бошлайди.

Афсуски, орамизда ўз ҳаётий бурчиға масъулият билан ёндашишга, оила қадриятларига, бу борадаги қонун-қоидаларга бепарво қарайдиганлар ҳам учраб туради. Уларнинг бундай лоқайдлиги ўз тақдирларига ва фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир қилади, албатта.

Мустаҳкам оила қуришнинг илк замини қонуний никоҳдан ўтиш саналади. Чунки қонуний никоҳ туғилма-жақ фарзандларнинг моддий таъминотини кафолатлайди. Тўғри, қонуний никоҳда турган ота-оналардан туғилган болаларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириш баробарида қонуний никоҳсиз туғилган болаларга ҳам ёлғиз она ёки оталикни белгилаш ҳолатини қўллаб, туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилади. Бундай ҳолатда болага оталикни белгилаш тартиблари ҳам амалиётга йўналтирилган.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ, оталик белгилаётган шахс болага ўз фамилиясини беришдан аввал шу боланинг моддий ва маънавий таъминотини ҳам ўз зиммасига тўлиқ олиши керак. Базми ҳолларда оталик белгиланганидан сўнг айрим оталар шу фарзанднинг таъминоти ҳақида умуман ўйламайдилар, уларнинг тарбияси билан ҳам қизикмайдилар. Бу масъулиятли юк ёлғиз она зиммасида қолади. Лекин енгил-елпи ҳаёт кечириб, ёши бир жойга борганида қийналиб қолган ота кунини келиб вояга етган ана шу фарзандини излаб қолиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, Учтепа туманида 2013 йил давомида ота-онанинг ёзма аризасига асосан 281та, суд қарорига асосан 7 та ҳолатда оталикни белгилаш ҳаракати амалга оширилди.

Шаръий никоҳ билангина кифояланиб яшаётган оилаларда фарзанд дунёга келса, афсуски, аксарият ҳолларда оталарнинг масъулиятсизлигидан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёлғиз она аризасига асосан қайд этилади.

Ҳар бир фарзанд ўз оиласида ота-она меҳрини кўриб яшашни истайди, уларга ишонади ва суянади, эртага ким бўлиши, қандай касбни эгаллаши ҳақида осойишта орзу қилади. Фарзандларининг бахтини ўйлаган, келажаги учун қайгурган ота-оналар оила ришталарининг мустаҳкам бўлиши аввало илк қадамлардан бошланишини яхши англайдилар, биргаликдаги умргузаронликнинг узок йилларига оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда юзланадилар.

Зилола ЮЛДАШЕВА,
Учтепа тумани ФХДё бўлими
биринчи тоифали инспектори.



УЙҚУСИЗЛИК МУСОБАҚАСИ

Бундан 12 йил аввал Австралияда миллий спорт ўйини ўйлаб топилиб, мусобақа ўтказилганди. Унга кўра 100 нафар профессионал одам кўйларни санашлари керак бўлган. Кўйларни санаётган одам, ўйиннинг қатъий қоидадасига кўра, ухлаб қолмаслиги зарур. Ким ухлаб қолмаса, ўша одам ғолиб. Ҳаётда эса кўй санасанамама ҳам ухлай олмайдиغانлар кўп бўлган.

Германиялик 45 ёшли Конард Фондерштрасс оилар давомидида ухламаётганидан шикоят қилганида, шифокорлар унинг чиндан ҳам уйқусизлик касалига дучор бўлганлигига ишонишмаганди. Улар беморнинг касаллигини аниқлаш учун унга саккиз соатлик махсус мослама улаб, уйқусизлигини текшириб кўрмоқчи бўлишди. Белгиланган муддат ичида Конард атиги бир неча дақиқа пинакка кетди, қолган вақтларда эса тамоман ўзини хушёр тутди.

Авваллари мутахассислар шифокорлар инсон уч кундан ортиқ уйқусизликка чидай олмайди деган хулосага келишган. Европада 17 ёшли ўқувчи Ренди Гарднер 1965 йилда 11 сутка ухламай, Гиннесснинг рекордлар китобига кирганди. Ўша пайтдаги бу антика тажриба йигитчанинг ақлий фаолиятида заррача ҳам нуқсон бўлмаганлигини исботлаган. Тажрибадан сўнг у 15 соат ухлаб олиб, эртасига ҳеч нарса кўрмагандай, мактабга кетган.

Фондерштрасснинг уйқусизлик кўрсаткиши бу рекордни янгиланган ва унинг ҳам номи Гиннесс рекордлар китобига киритилган. Шунча кун уйқусиз юрганига қарамай, унинг соғлигида ҳеч қандай кучсизлик сезилмаган.

Далилларга кўра, уйқусизлар «фатал ўзгариш»лар туфайли азоб чекиб, ниҳоят вафот этишган, аммо уларнинг ўлимига сабаб уйқу бўлмай, генетик етишмовчилик кўрсатилган. Буларнинг барчаси масаланинг ечимини топиш йўлидаги бир уринишлар натижасидир. Уйқусизлик одатда турли-туман бахтсизликдан, алкоғолни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилишдан, рухий кечинмалар, кўнгилсизликдан келиб чиқади. Шундай экан, бу касалликдан ҳимояланишнинг энг кучли усули руҳан тетик ва албатта, ҳаётдан мамнунийлик ҳиссини шакллантиришдир. Шунчаки уйқусизликни синаб кўриш ярамайди. Зеро, уйқу инсонни жисмонан ва ақлан бақувват сақлаб турувчи муҳим ҳодисадир.

Наргиза СИДИКОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг”

сахифаси

“ЁЛЛАНГАН” СОВЧИЛАР

Ўтган йили дугонам Жамила кўлимга “Оила ва жамият”ни тутқазиб, ишон, шу газета орқали кўпчилик жуфтини топапти, сен ҳам бориб, ҳужжатларингни топшир, зора, бахтинг очилиб кетса, деб маслаҳат берувди. Аммо мен истиҳола қилиб боролмадим, энди эса афсусдаман. Шу орада кўшни қишлоқда яшовчи 35 ёшли Иброҳим деган, уйланиб ажрашган бир йигитдан менга совчилар келиб, уни бир синглиси билан етим қолиб қариндошларининг кўлида ўсган, касб-кори тайин, ақлли бола деб роса макташди. Онам аввал йигитнинг ўзи билан учрашиб кўриб, сўнг жавобини айтишини билдирди. Сентябрь ойининг яқшанба куни Иброҳим уйимизга келиб, онам билан суҳбатлашди. Пойтахтда яшашини, ҳозирча ижара уйда туришини, аммо уй сотиб олиш нияти борлигини айтди.

Дадам оғир касаллик туфайли вафот этганидан сўнг бизга кўпроқ тоғам қарашиб турарди. Иброҳимнинг етимликда ўсганини эшитган онам, раҳмлари келибми, тўйнинг асосий сарф-харажатларини ўзи кўтаришини, у эса бошпана масаласини тезроқ ҳал қилишини айтиб, тўй кунини белгилади. Орадан уч ҳафта ўтгач, Иброҳим менга кўнгирик қилиб, уч юз минг сўм қарз олиб беришимни айтди. Янги йил арафасида уйимизга гул кўтариб келиб, яна икки юз минг сўм сўради. Энг ёмони, у яқинда менга пойтахтдан бир хонали уй сотиб олиш учун беш миллион сўм етмаётганини, тезлик билан ўша пулни топиб олиб келишимни буюрди. Маошимдан орттирган пулларимни тоғамга бериб қўйганимни айтсам, жажли чиқиб, “Нега ўзинг топган пулларни тоғамга берасан, тезда қайтариб ол”, деб дўқ урди. Тоғамга ўртамазда бўлиб ўтган гапларни айтсам, айтилган пулни фақат уйнинг ҳужжатлари расмийлаштирилаётган пайтда қарзга бериб туришини билдирди. Бу гапни эшитган Иброҳим баттар тутакчи, умуман телефон қилмай қўйди. Шундан сўнг уйдагиларим у ҳақда обдон сўраб-суриштиришди. Оқибатда

унинг ҳеч қарерда ишламаслиги, бировларнинг ҳисобига яшаб юриши, бизникига келган аёллар ҳам пул эвазига ёлланган сохта совчилар экани аён бўлгач, тўй қайтарилди. Ким билади, балки дугонанинг маслаҳатига кириб, газетага мурожаат этганимда аллақачон бахтимни топиб кетган бўлармидим.

Ёшим 32 да. Олий маълумотлиман. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Касби-кори тайин, 40 ёшгача бўлган бир нафар фарзанди бор, қонуний ажрашган киши билан танишиб, оила қурмоқчиман.

ГУЛСАНАМ,
Жиззах вилояти.

“БОЛАЛАРИМНИ ЎЙЛАБМАН-У”

— Собиқ турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетганида 32 ёшда эдим, — дейди Моҳира опа биз билан суҳбатда. — Уч болам аини балоғат остонасида турган, ота-она меҳри, эътиборига муҳтож вақти енгилтабиат бир аёлнинг нағмаларига учиб, гулдай оиласини барбод қилди. Амма-холаларим ёлғизлик кексалиқда билинади, ҳозир ёшсан, куч-ғайратинг борида рўзгор қил, деб насихат қилишди. Аммо менинг фикру ҳаёлим болаларимни едириб-қийдириш, ўқитиш, уларнинг кўнгли ўқсимаслиги учун елиб-югуришда бўлди. Шу зайдла кунлар кетидан ойлار ўтиб, бутунлай тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетдим. Икки қизимни узатиб, ўғлимни ҳам уйлантирдим. Бундай ўйлаб қарасам, энди ёлғизлигимни ҳис қилаяпман. Кеч тушди дегунча келиним билан ўғлим болаларини олиб, ўз хонасига кириб кетишди. Бир кунни қўшни аёлга, дардқашим ҳам, дугонам ҳам мана шу телевизор бўлиб қолди, деб ёзғирсам, газетада “Бахтли бўлинг” рукни бор, шояд дардингизга малҳам топарсиз, деб йўл-йўриқ кўрсатди. **Ёшим 50 да.** Кўзимдан, нур, белимдан куч-қувватим кетмасидан мен ҳам бир инсоннинг хувиллаган дилини обод қилсам, деган ниятда келдим.

МОҲИРА,
Тошкент шаҳри.

SMS... ТЎЙНИ БУЗДИ!

Назокат билан 2012 йилнинг сентябрь ойида тўйимиз бўлиши керак эди. Бир йил аввал акамни уйлантирганимиз учун сал қийналиб қолдик ва мен пойтахтга пул топиш учун кетдим. Бир ҳовлини таъмирлаётиб, бизларнинг ош-овқатимизга қарашиб турадиган Ойгул деган қиз билан танишиб қолдим. У адабиётга ихлосмандлиги боис, айниқса, бизлар яшаётган ҳудуднинг табиати ва шарт-шароитлари ҳақида сўраб-суриштиришни ёқтирарди. Хуллас, биз уларникида ишни тугатгач, бошқа жойга кетсакда, Ойгул менга ҳар-ҳар замонда кўнгирик қилиб, гаплашиб турарди. Шу орада қишлоққа қайтиб, тўй ҳаракатларини бошлаб юбордим. Тугилган кунимда Назокат билан айлангани боққа бордик. Тасодифни қарангки, Ойгул ҳам менинг таваллуд кунимни билгани учун ўша кун телефонда табриклар SMS ёзиб юборди. Бир маҳал телефонимдаги табрикни ўқиган Назокатнинг жаҳли чиқиб, рашки келиб, сиз менга тўйдан аввал хийнат қилдингиз, у ким ўзи, нега табриклайди, бир сири бор, деб аразлаб кетиб қолса денг. Изидан етиб олдим ва “Мана, Ойгулнинг телефони, ишонмасанг ўзидан сўра, агар орамизда бирор гап-сўз ўтган, деса, мен...” деб қасам ичишга ям мажбур бўлдим. Йўқ, Назокат барибир кечиролмади ва уйига бориб, тўйни қайтартирди...

Ҳозир аро йўлда сарсонман. Тақдиримни битта SMS билан буриб юборган телефон рақамимни ўзгартирдим. **Ёшим 29 да.** Маълумотим ўрта, кўлимда гулдай хунарим бор. 25-27 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, оқила қиз бўлса уйланиш ниятидаман.

АБРОР,
Андижон вилояти.

ТАБИАТ – ДОРИХОНА ★ ТАБИАТ – ДОРИХОНА

ЯНА КЎК ЧОЙ ҲАҚИДА

Кўпчилик севиб ичадиган кўк чой нафақат чанқовбосди ичимлик, балки минг дардга даво неъмат саналади. Кўк чой тўйиб ичилса, чарчоқни тарқатади. Хотири мустаҳкамлаб, фикрлашни ўқтирлаштиради. Кўк чой билан қандли диабетга учраган беморларни даволаш мумкин. Бунинг учун кўк чойдан мунтазам ичиб юриш лозим, шунда қондаги қанд микдори мўътадиллашиб, қон таркиби бир меъерда бўла боради.

У қонни суюлтириш хусусиятига эга бўлиб, томирларни кенгайтиради. Энг муҳими, қондаги хилтарни тозалайди. Овқат яхши ҳазм бўлишида ёрдам беради, ични равланлаштиради.

Кўк чой нафас олишни яхшилаб, балғамни юмшатиб, уни кўчиради ва нафас йўллари очилади. У қон босимини пасайтиради. Шу билан бирга, бадандаги ёғларни эритувчи омил сифатида фойдалидир.

Бош чаноғининг қон босими (черепной) ошган бўлса, уни ичиш ҳамда бошни қайиш тавсия этилади. Чунки, кўк чой асабни тинчлантириб, кайфиятни кўтаради. Ушбу

неъматнинг яна бир фаройиб хусусияти шундаки, у ичган кишининг тана ҳароратини қишда оширади, яъни иситади. Ёзда ичилганида эса киши салқинлайди.

Доимо кўк чойдан ичиб турилса, у тери рангини тинчлаштириб, қон таркибидаги ройе моддасини мўътадиллаштиради. Дамланган кўк чойга ботирилган пахта билан тери артилса, ёғли доғлар аста-секин бартараф бўлади. Кўк чой дамламаси билан бурун бўшлиғи чайилса, уни анча очади.

Унинг дамламаси кўздаги қон босимини туширади. Бунинг учун чой дамланиб, шамаси илиқ сувда бири-икки бор ювилади. Кечкурун ҳар кун уйқуга ётишдан аввал қовоқларга докага ўралган шама қўйилади, 5-10 кун ичида кўзнинг қон босими меъёрлашади.

У буйракни ювиш хусусиятига ҳам эга. Бундан ташқари, ундаги яллиғланишни даволайди ҳамда буйрак шомолланганлиги сабабли ҳарорат ошганида уни туширади. Аччиққина кўк чой дамлаб ичилса ёки унга чўмилса ҳам иситмани туширади.

Мунтазам кўк чой ичиб юрилса, ичаклар фаолияти яхшиланади, айниқса, пешоб йўлларидаги тузлар тез ювилиб кетади.

Феруза СОТУБОЛДИЕВА тайёрлади.



КОМПЬЮТЕР ЁНИДА... КУЛДОН

Ота-оналар билан бўлган суҳбатлардан бирида:

— Ўқувчиларим чизган расмларни кўздан кечириётган эдим, — деди бошлангич синф ўқитувчиси бола тарбияси ҳақида сўз юритаркан, — Сарваржон стол ва унинг устида компьютер расмини худди ўзидай қилиб чиқибди. Кўриб хурсанд бўлдим ва "Сизга нима олиб беришларини хоҳлайсиз, ана шунинг суратини чизинглар", дедим. Бир маҳал чизилган расмга синчиклаб қарадим у компьютер ёнида кулдон ва унинг устида сигарета қолдиги ҳам акс этганини кўрдим...

— Компьютерни жуда чиройли чизибсан, лекин мана буниси нима, ликопчани? — деб сўрадим.

— Йўқ, кулдон-ку, устоз, устидаги сигарет қолдиги-ку!


— Сигарет, нима, сен чексанми? — Йўқ, ахир бу меникимас, дадамнинг компютери-ку! — деб жавоб берди...

Одатда, аксариятимиз болаларни ёш деймиз-у лекин, бизнинг бирор

хатти-харакатимиз уларнинг эътиборидан четда қолмаслиги ҳақида кўпинча ўйлаб ўтирмаймиз. Улар доим катта ёшдагиларга тақлид қиладилар, унинг тақлидчанлиги аввало фарзанд униб-ўсаётган хонадонда кўзга ташланади. Оилада болаларга чекиш, ичиш зарарли



одат экани доим ўқтирилади, ундай қилма, ёмон бўлади, дейишади. Бироқ, у ҳавас кўзи билан қарайдиган инсонлар, айтийлик, болага чекишни ман этиб қўйган отасининг қўлида папиросни кўрган боланинг чекиш ҳақидаги тушунча ва тасаввурни тўғри томонга қараб шаклланиши



қийин.

Шу каби спиртли ичимликларнинг ҳам инсон учун жисмоний ва маънавий зиёни кўпчиликка аён. Минг афсуски, ана шу сабил қолғурни ҳам истеъмол қилиш болалар ўртасида баъзан учраб туради. Бу ҳолни чуқурроқ ўргансангиз, шундай йўлга кирган боланинг оиласидаги катталар орасида спиртли ичимликларга ружу қўйганлар борлигини кузатасиз.

Фарзандлар учун илк ибрат мактаби бу оила эканлиги оддий ҳақиқат. Ота-оналар фақат насиҳат қилиш ёки таққиллаш билан эмас, ўзи тўғри деб билган тарбиявий ўғитларни хатти-ҳаракатларида такрорлаш билан ўғил-қизларига ибрат бўлмоғи у берган тарбиянинг таъсирчанлигини оширади. Мактаб ва коллежлар, маҳалларда бўлган тарғибот тадбирларида тарбиянинг бундай ҳаётий таъсирчан жиҳатларига эътибор қаратилаётган. Зеро, инсонда ўз соғлигини қадрлаш кўникмаси болаликдан оилада шаклланиши унинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида замин яратади.

Насиба МАМАТҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар
Никоҳ уйи мудири.

ИМТИЁЗЛАР
БЕЛГИЛАНГАН

Онаси болаларни тарбияловчи шахсларга меҳнат фаолияти жараёнида қандай имтиёзлар берилади?

Манзура ФОЗИЛОВА.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 238-моддасида онаси болаларни тарбияловчи шахсларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг мазкур моддасига асосан, аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ва иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллари бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онаси болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларида маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган аталарни, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийлигига (ҳомийлигига) ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолатлар ва имтиёзлар, шунингдек, ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қиладиган бувиға, буваға ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

Саволга Адлия вазирлиги
масъул ходими Нигора АБИДОВА
жавоб берди.

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Диний расм-русумлар асосида тузилган, ФХДё бўлимларида қайд этилмаган никоҳ қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

Сурайё МУТАЛОВА.



Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига асосан: "Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас".

Ушбу Кодекснинг 18-моддасида "Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади", деб белгилаб қўйилган.

Мазкур Кодекснинг 62-моддасига мувофиқ, "Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси) бўлс эканлиги қарор қилинган тақдирда, ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси) бўлс эканлиги қарор қилинган тақдирда, ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси) бўлс эканлиги қарор қилинган тақдирда, ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

ганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликлари ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда, унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Шу ўринда никоҳнинг қонуний расмийлаштирилмагани кейинчалик она ва бола учун юқоридаги каби ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни пайдо қилиши, фақат шаръий никоҳ билан қиёланганда аёلнинг моддий таъминотида муаммолар юзага келиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Инсон тақдири билан боғлиқ бу муҳим масалада белгиланган қоидаларга амал қилиш, бирон баҳонага ўрин қолдирмаслик энг мақбул йўлдир.

Саволга Тошкент вилояти
Чирчиқ шаҳар ФХДё бўлими
мудири Муяссар КЕНЖАЕВА
жавоб берди.

НАФИСА
СОВРИНДОР

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи гроссмейстер — Нафиса Мўминова "Moscow — Open 2014" халқаро шахмат фестивали доирасида ўтказилган талаба гроссмейстерлар иштирокидаги турнирда қумуш медални қўлга киритди.

Мусобақага пухта тайёргарлик кўрган Нафиса Мўминова турнир давомида мезбон шахматчилар — Варвара Саулина, Лидия Томникова, Ирина Василевич, Анна Гванцеладзени мағлубиятга учратди. Қизлар ўртасида жаҳон чемпиони Мария Северина (Россия), тажрибали гроссмейстерлар — грузиялик Мери Арабидзе, хитойлик Ван Цзюэ, украинналик Лиза Соловьева билан дуранг ўйнади.

Тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамгарган вакиламиз мусобақани иккинчи ўринда якунлади ва қимматли рейтинг очколарига эга бўлди.

ИСТОМИН РЕЙТИНГДА
41-ЎРИНДА

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин Франциянинг Монпелье шаҳрида



ўтказилган ATP Open Sud de France жуфтлик мусобақаларининг голиби сифатида 250 рейтинг очкосини ишлаб олиб, АТФ рейтингда умумий 1055 очко билан 24 поғона юқорилаб, 65-ўридан жой олди.

Яккалик баҳсларда Истомин Франциядаги мусобақалар натижасига кўра 2 поғона кўтарилиб, дунёнинг 41-чи ракеткаси бўлиб олди.

Улар финалда Франциялик Марк Жикель ва Николая Маю жуфтликни 6:4, 1:6, 10:7 ҳисоби билан енга олишди.

Бу haftaда Истомин Голландиянинг Роттердам шаҳрида ўтказилган ABN AMRO World Tennis Tournament мусобақаларида иштирок этади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 238. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 9827. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мубаризлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

123 5